

### **Дехқон хўжалиги ташкил этиш:**

“Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддаси (Дехқон хўжаликларига ер бериш шартлари)га кўра, оилали ва қишлоқ жойларда камида уч йил мобайнида яшаб турган фуқароларга, шунингдек туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи туман (шаҳар) кенгашининг биргаликда берилган тавсиясига эга бўлган ёш фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга ер участкаси суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектаргача ўлчамда, чўл ва сахро минтақасида эса суғорилмайдиган яйловлардан 1 гектаргача ўлчамда берилади. ([www.lex.uz](http://www.lex.uz) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси)